



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ



САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

АХБОРОТ ХАТИ

Самарқанд Давлат Университети филология факультетида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги олдидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56–Ф сонли Фармойишига асосан 2017-2021 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф1-138 – «Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик тадқиқи» мавзуидаги фундаментал лойиҳа ижроси доирасида *«Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик тадқиқи ва уларнинг Шарқ адабиёти тараққиётидаги ўрни»* мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуман ташкил этилади. Анжуман 2020 йилнинг 6-7 ноябрь кунлари Самарқанд Давлат Университети фаоллар залида ўтказилади.

Халқаро илмий-назарий анжуманга қуйидаги йўналишлар бўйича мақола ва тезислар қабул қилинади:

- 1. Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик тадқиқи*
- 2. Шарқ маснавийнавислиги тарихи ва тараққиёти адабий таъсир ва типология масалалари.*
- 3. XV аср Хуросон адабий муҳити ва унда Жомий ҳамда Навоийнинг мавқеи.*
- 4. Абдурахмон Жомий адабий мероси, "Ҳафт авранг" дostonлар туркуми поэтикаси.*
- 5. Алишер Навоий "Хамса"си: архитектуроника ва композиция, образлар бадиияти, мазмун ва зоялар олами.*
- 6. “Хамса”ларда тасаввуфий оҳанглар.*
- 7. Жаҳон адабиётида “Хамса” мотивлари.*
- 8. “Хамса”ларда тил ва услуб масалалари.*
- 9. Адабий матншунослик: нашр, таржима, илмий таҳлил ва талқин.*
- 10. “Хамса” ва таржимашунослик муаммолари.*
- 11. Янги давр хамсашунослиги: ютуқлар, муаммо ва вазифалар.*

Мақола ва тезислар ўзбек, рус, инглиз ва барча туркий тилларда қабул қилинади.

Анжуманда иштирок этиш шакли:

- кундузги (маъруза қилиш ва мақола нашр этилади);

- сиртқи (мақола нашр этилади).
 - Изоҳ: пандемия шароитидан келиб чиққан ҳолда халқаро илмий-назарий анжуман онлайн тарзда ўтказилиши мумкин.

Анжуманда иштирок этиш учун қўйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:

Мақолалар **2020 йилнинг 1 октябрга қадар** ташкилий қўмитанинг электрон манзилига (xamsa_komparativistika@mail.ru) ёки (https://t.me/xamsa_komparativistika) телеграм манзилга талабномада иштирокчининг анжуманга тақдим этаётган маърузаси номи, маъруза матни ва иштирок этиш шакли аниқ кўрсатилган ҳолда юборилиши лозим.

Анжуманда иштирок этиш учун юбориладиган талабнома ва анжуман материалларининг расмийлаштирилиш тартиби қўйида келтирилади:

Анжуман материаллари нашри:

Танлаб олинган материаллар халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами сифатида нашр этилади.

Ташкилий қўмита материалларни техник таҳрир қилиш, шунингддек, мақола қабул қилинмаганда ва қайтарилмаганда, бу бўйича изоҳ бермаслик ҳуқуқига эга.

Мақолага тўлов қилинганлиги ҳақидаги қвитанциянинг нусхаси ҳам бириктирилган ҳолда электрон манзилга (xamsa_komparativistika@mail.ru) ёки (https://t.me/xamsa_komparativistika) телеграм манзилга юборилади.

Сизнинг электрон манзилингизга Ташкилий қўмита томонидан мақолангиз қабул қилингани ҳақида хабар юборади, агар Сизга 3 кун оралиғида бундай хабар юборилмаса, у ҳолда Ташкилий қўмита билан қайта алоқага чиқишингиз сўралади. Мурожаат учун телефонлар: **+998915482832;** **+998973924525**

Конференция якунида конференция материаллари тўплами, сертификат тақдим этилади.

Талабномани тўлдириш тартиби

Фамилия	
Исм	
Отасининг исми	
Давлат, шаҳар	
Илмий даража	
Илмий унвон	
Иш жойи	
Лавозими	
Иштирок этиш шакли (кундузги, сиртқи)	
Шўба	
Мақола номи	

E-mail:	
Алоқа учун телефон рақами	

Мақолани тайёрлашга қўйиладиган талаблар:

Мақола ҳажми – 5 бетдан, тезис ҳажми – 3 бетдан кам бўлмаслиги лозим.

- мақола матни doc форматда, 1 интервалда, ўнг томондан - 15 mm, чап томондан - 30 mm, юқори ва пастдан - 20 mm ҳошия қолдирилиб , Times New Roman 14 kegl шрифтда тайёрланади;
- мақола номи 12 сўздан ортмаслиги;
- мақола номи мақола шакллантирилган тил ва инглиз тилига таржима қилинган ҳолатда берилиши;
- мақола аннотацияси мақола матнидан олдин, инглиз тилида берилиши лозим;
- аннотациядан сўнг камида 5-7 та калит сўз келтирилиши шарт;
- мақола матни калит сўзлардан кейин икки интервал пастдан берилиши керак.

Муаллиф ҳақида маълумотлар: Мақола номидан 1 интервал пастдан муаллифнинг Фамилияси, Исми ва Шарифи, уларнинг чети - ўнг томонида (*) ҳаволаси остида муаллифнинг илмий даражаси, унвони, ташкилот номи ва электрон манзили кўрсатилиши лозим.

Ҳавола ва фойдаланилган адабиётларнинг берилиш тартиби: Манба ҳаволаси тўртбурчак қавс ичида, манба муаллифи фамилияси, нашр йили ва саҳифаси кўрсатилган тартибда берилади.

Намуна: [Валихўжаев, 2002: 96].

– фойдаланилган адабиётлар рўйхати юқорида қайд этилган тартибда матннинг сўнгида берилади.

Тўлов шартлари

Республика тадқиқотчи-олимларига мақола ва тезисларининг ҳар бир саҳифаси учун белгиланган тўлов миқдори - **15 минг сўм**.

Муаллифлар тўловларни қуйидаги пластик карта орқали амалга оширишлари мумкин: **8600042395748899** (Хасанова Mashxura номида)